2026-YIL – MAHALLANI RIVOJLANTIRISH VA JAMIYATNI YUKSALTIRISH YILI

# Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2026-yil 14-may, payshanba

20 (9392)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi



**Усмон АЗИМ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# РИЁСИЗ СЎЗЛАР




Буюк ўзбек йўли

## МУҚАДДИМА

**Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради. Дунёнинг қайси бир четидаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳиятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.**

Улар – ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари кўтарилади. Худога минг шукрки, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислоҳотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўплаб бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан қўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганмиз!

Юракларни фахр билан тўлдирган бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди?

Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку!

Унинг ортида кимнинг меҳнатию заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди?

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёйилган бунёдкорликка ким ғайрат-шижоат бағишлаяпти?

Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг – Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга ликилламай олган бўлсам...

**1**

Бу ислоҳотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди?

Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар бўйи исимасди. Бир фарзандим кейинчалик “Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик”, деб эслади.

Нафақага чиқдим. “Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади”, дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машмашаларни-ку, айтмай. Дўконга борасан. Керакли молнинг нархини сўрайсан. “Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз, юз...”.

Деновда – бозорнинг нақ ўртасида “пластик картадаги пулни нақдга алмаштириш пункти” очилди. Ўша безбет шаклда – юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг даҳшати, бу “пункт”ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юритди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгида рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Қўрқув. Бу қўрқувдан яралган тақдирсизлик – эртани ўйлашдан чўчиш – мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларини қўйиб қўйган – аллақандай шанғи хотинлар...

Бозорга борасан. Ҳар қадамда “долларчи”лар шайкаси... Долларнинг нархи расмий курсдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб оласан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фирибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичида давлат туздилар. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Хўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўлладилар. Уларни янада янги “поғона”ларга кўтардилар.

– Тирноқларимни суғуриб олдилар, – деб зориллаб эслайди уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ. – Ҳаммасини баравар суғурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини суғурадилар...

Ҳатто ҳокимларга ҳам тазйиқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан безиб қолди. Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: “Ана сиз орзу қилган истиқлол...”.

Рости, мен ҳам бебахт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда “Бировлар ҳаром-хариш йўл билан пул тўплаяпти. Пайти келгач, пулини кўтариб, хорижга жўнаб кетади” деган рост гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув туфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб боргани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшади. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғафлатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва туғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминигина эслаяпман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўлларини ҳеч ким билмасди.

Бироқ Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим – кўргиликлар битта-битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидай ишлай бошлади. Пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди. Банклар янгича ишлаш тизимига ўтди: хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қақшатган мустақилликнинг зараркунандалари шайкасини тугатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган – бу гумроҳларни Тошкентдаги мартабаси баланд, бели бақувват, бировни назар-писанд қилмайдиган ҳомийлари қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг кўлами жуда катта – бир-бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати деган муқаддас тушунчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини хасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бўшангроқ бир одам бўлганда улар билан муросаи мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватанни бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқислардан тозалаб, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватанни ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади.

Қотиллик иллати юққан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал “тепа”даги, кейин пастдаги қатлам илдизи билан суғуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватанни халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг!

Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилгач, Президентимиз Сурхонга ташриф буюриб, “Сурхондарё халқи, энди озодсан!” деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.

Мен фақат яхши билганим – Сурхондарё ҳақида ёзяпман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-ҳудудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни ҳал этишдаги мардонавор саъй-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

(Давоми 3-саҳифада)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



# АНТИҚА БИЗНЕС

## ёхуд мингтепалик келинларнинг қайноналари ҳам билмайдиган даромадлари ҳақида

Укам билан девордармиён қўшни турамиз. Дам олиш куни тўнғич қизи Зарнигор ширинтой болалари билан ота уйига келган экан. Мени ҳам кўргани чиқди. Кайфияти зўр. Юзидан нур ёғилиб турибди. Йўл-йўлакай тансиқроқ бир нималар оволибди.

– Нима қилардинг, овора бўлиб, шундоқ келаверсанг бўлмайдими, – дедим эътироз билдириб, бағридаги эндигина мустақил ўтиришни ўргана бошлаган ўғлини қўлимга оларақанман.

– Овораси бораканми дада, – жавоб қайтарди Зарнигор самимий кулганча. – Дуо қилинг, ҳозир бизнинг мавсум бошланган, даромаддаман.

– Қанақа мавсум, боланг энди беш ойлик бўлди, таътилидасану ҳали, – дедим ажабланиб.

– “Бизнес қиvоттим, барг сототтим”,



– мамнун жавоб қайтарди у. Кейин даромадини салгина очиқлаган бўлди: ҳар куни энг камида 150-200 минг сўмим бор...

Э, дарвоқе ёдимдан кўтарилай дебди, сизларда узумлар етилгунча токзордан шунақа фойда олиш туриям бор-а, дедим гапини тасдиқлаб. Ўша куни жияним тушгача меҳмон бўлди. Оиласи, болалари, маҳалладаги бугунги жараёнлар, томорқадаги қизғин ишлар ҳақида мириқиб суҳбатлашдик. Унинг таъкидлашича, ҳозир маҳалла келинларининг қўли қўлига тегмаяпти. Шаҳардан келаётган харидорлар эрталабдан қош қорайгунча нарх бўйича бир-бири билан рақобатлашиб, ток барги харид қилишмоқда экан. Тахлаб, ўралган бир дона қадоғи 2,5 минг сўм эмиш. Ичида 50 дона барг бўларкан. Ўн дақиқа ичида бемалол бир қадоқ тайёрлаш мумкин экан. Зарнигор орада эмизикли боласи борлиги учун бу йил мазкур бизнесда қўшни келинлардан анча орқада қолаётганлиги, қайнонаси ўғлига қараб турган пайтдагина барг тера олаётганлигидан ёзғириб ҳам қўйди.

(Давоми 2-саҳифада)




# Экспорт маҳсулотлари

## ҚАТЪИЙ ФИТОСАНИТАР НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш доирасида ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлардан асосий мақсад, фитосанитар хавфсизликни таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришдан иборатдир.**

Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими муҳим ўрин тутади. Вилоятда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, уларнинг сифатини халқаро талабларга мослаштириш ҳамда янги бозорларни ўзлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, экспорт қилинаётган маҳсулотлар қатъий фитосанитар назоратидан ўтказилиб, сертификатлаш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилди. Бу эса тадбиркорлар учун қулайлик яратиб, хизмат кўрсатиш муддатларини сезиларли даражада қисқартирди.

(Давоми 2-саҳифада)

*Учинчи ҳосил, дея номланадиган бу жараёнда ток баргининг ўзидан 25-30 миллион сўм даромад топаётган хонадонлар бор*

# АНТИҚА БИЗНЕС

## ёхуд мингтепалик келинларнинг қайноналари ҳам билмайдиган даромадлари ҳақида



**(Боши 1-саҳифада)**

Овсини бир ҳафталик даромадига кир ювадиган машина олибди. Тўғриси, жиянимнинг шижоатидан, гапларидан завқландим. Қариндошларимиз уни энг омадли деб ҳисоблашади. Болалигидан тарбиячи бўлишни орзу қиларди. Касб-ҳунар коллежини битириб, болалар боғчасида дастлаб тарбиячи ёрдамчиси бўлиб иш бошлади. Ўша йили бахти чопиб, Чирчиқ давлат педагогика унверситети очилди, сиртдан ўқишга кирди. Қўшни Мингтепа маҳалласидаги яхши бир хонадонга келин бўлиб тушди. Олийгоҳни туграллаши арафасида эса, маҳалласида қурилаётган замонавий мактабгача тарбия муассасаси битиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир шу боғчада тарбиячи, икки ўғил, бир қизи бор. Турмуш ўртоғи Азимжон ҳам олий маълумотли муҳандис. Пойтахтдаги қўшма корхонада ишлайди. Шундай бўлсада, асосий даромадлари томорқадан. Қайнотаси Зоиржон Ибрагимов ишнинг кўзини биладиган, тажрибали боғбон. Катта узумзорлари бор. Пискентдаги Мингтепа маҳалласи аҳолисининг томорқадан фойдаланиш ҳадисини пухта эгаллаганлиги нафақат Тошкент вилоятида, балки республикада ҳам маълуму машҳур. Маҳалла деярли тўлиқ боғдорчиликка ихтисослашган. Хонадонларда узумнинг бугунги кундаги энг оммалашган, бозорбоб навлари етиштирилади. Бу борадаги эришилаётган натижалар ҳақида алоҳида эътирофлар бор. Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифлари чоғида Пискент тумани ҳокими Музаффар Арипов Мингтепа маҳалласида бугунги кунда томорқадан йил давомида беш марта ҳосил олаётган боғбонлар борлиги тўғрисида гапириб берганида, давлатимиз раҳбари бундай соҳибкорларни рағбатлантириб, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам бу маҳалладаги томорқачиларнинг омилкорликларини таърифлашга сўз ожиз. Умаржон ота Арслонов, Илҳомжон ота Муллажонов ва Абдуқаюм ота Жўраевлар томорқадан йилда ана шу беш маротабадан ҳосил олиш мактабини яратган уста соҳибкорлар ҳисобланишади. Аввало ҳамма хонадонларда узум ишкомлари ердан икки метрдан зиёд баландликда, қалин сим ва темирдан мустаҳкам ясалган. Ток қатор ораларига қишда, плёнка остига дастлаб ким нима хоҳласа, шуни экади. Улар турли эртаги зироатлар – редиска, кўкатлар, исмалоқ бўлиши мумкин. Булар деқончиликнинг илк даромади ҳисобланади. Кейин иккинчи ҳосил – турли сабзавотларнинг

кўчатлари етиштирилиб, бозорга олиб чиқилади. Улар сотиб тугатилгунча, орада кўмилган жойидан ковлаб олиниб, ишкомларга таралган ток новдалари қалин барг ёзади. Узум парваришида хомток – ортиқча новда ва баргларни олиб ташлаш деган амалиёт бор. Қарангки, шу жараённи ҳам мингтепаликлар катта бизнесга айлантириб олишган. Ҳозир айни шу мавсум. Учинчи ҳосил, дея номланадиган бу жараёнда ток баргининг ўзидан 25-30 миллион сўм даромад топаётган хонадонлар бор. Тошкент шаҳри ва Олмалиқдаги кўплаб бозорларда сотилаётган ҳамда ошхоналарда тайёрланаётган хушхўр дўлма барглари мингтепа боғбонларининг маҳсулоти, десак муболаға қилмаган бўламиз. Ёз ўрталарига бориб эртаги навли узумлар пишиб, етилади. Бу тўртинчи – асосий маҳсулот сотилаётган пайтда токзорлар ораси ва атрофларига майда турдаги ошқовоқлар экиб қўйилади. Чунки узумлар сотиб бўлингач, чалакесув деган амалиёт ўтказилиб, керакли, асосий новдалар қолдирилади, ортиқчалари олиб ташланади. Соя камайиб, токзорлар орасига яна етарлича қуёш нури туша бошлайди. Бу экилган ошқовоқ ниҳолларининг дуркун ўсиб, палаклари ишкомларга осилиб, бешинчи ҳосилнинг бўлиқ ва мўл бўлишига имкон яратади. Оёқ остидаги хазина ҳисобланган томорқадан мана шундай омилкорлик билан самарали фойдаланиш ҳисобига бу маҳаллада камбағал оила деярли йўқ. Ҳамма ўзига тўқ, бадастир ҳаёт кечиради. Кўпчилик ўзини ўзи доимий иш билан банд қилган. Ҳар икки хонадоннинг бирида енгил автомашина бор. Ўтган даврда "Обод маҳалла" дастурига тушганлиги муносабати билан Мингтепа бугунги кунда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Замонавий оилавий поликлиника, болалар боғчаси, кўплаб хусусий савдо, умумий овқатланиш шохобчалари, хорижий тилларни ўқитиш марказлари, новвойхоналар, автомобилларни ювиш, сервис хизматлари кўрсатиш обеъктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қуёш панеллари билан ёритилувчи "саломатлик йўлаклари" қурилди. Мавжуд барча ички йўллар тўлиқ асфалтланди. Маҳалла еттилиги янги, замонавий бинога кўчиб ўтди. "Яшил макон" умуммиллий лойҳаси ижроси доирасида ҳудудда минглаб туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, янги токзорлар яратилди. Йил бошидан буён маҳаллага бир неча маротаба ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Т. Норбоева, Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кенгаши раиси З. Қодирхонова, Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмоновлар ҳududдаги кўплаб хонадонларда бўлиб, илғор томорқчилар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

– Кейинги вақтларда бир қатор оилаларда даромаднинг олтинчи тури ҳам пайдо бўлди, –дейди МФЙ раиси Шухрат Эшбеков. – Серҳосил ва ноёб навли узумларнинг овозаси тарқалгач, қўшни туманлар, ҳатто бошқа вилоятлардан уларнинг қаламчаларини сўраб келувчилар кўпайиб кетди. Бу ҳам томорқачиларимизга қўшимча фойда келтиряпти.

Дарвоқе, бугун ушбу маҳаллада бўлган киши ажиб ифорларни туяди. Яшил оламнинг кенглиги учун табиат ҳам фусункор тусда. Узумлар гулга кирган, гилос ва ўриклар ғарқ пишган. Ипак қурти парваришлаган хонадонларда пилла терими авж паллада. Томорқачилар эса кечаю-кундуз изланишда. Мавжуд натижалардан қаноатланмай, иссиқхоналарда эртаги узум етиштиришни йўлга қўяётган омилкорлар ҳам бор. Бу энди алоҳида ёритиладиган янги бир мавзу...

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# СОҒЛОМ ТУПРОҚ – ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ГАРОВИ

*Биз одатда соғлом турмуш тарзи, тоза ҳаво ва сифатли сув манбалари ҳақида қайғуришни одат қилганмиз. Аммо аксар ҳолларда ҳаётимизнинг асл пойдевори ва сирли олами бўлмиш оёғимиз остидаги тупроқни унутиб қўямиз.*

Ваҳоланки, тупроқ шунчаки Ернинг устки қатлами ёки лой ва қумдан иборат ўлик жисм эмас. У миллиардлаб тирик организмларни бағрига олган, сайёрамиздаги ҳаёт давомийлигини таъминловчи улкан, мураккаб ва тирик тизимдир. Бугунги кунда фан исботлаган энг олий ҳақиқат шундаки, тупроқнинг соғломлиги ва ундаги биологик мувозанат бевосита инсон соғлиғини, миллат генофондини ва келажак авлодлар тақдирини белгилайди.

Агар микроскоп остида назар ташласак, бир ҳовуч унумдор тупроқда Ер юзидаги жами одамлар сонидан ҳам кўпроқ фойдали микроорганизмлар – бактериялар, замбуруғлар ва актиномицетлар яшашини кўрамиз. Айнан мана шу минг бир хил микрофлора тупроқнинг ҳаётийлик омили ва табиатнинг энг мукаммал дорихонаси ҳисобланади. Соғлом тупроқ ўзининг табиий биологик фаоллиги орқали турли патоген, яъни касаллик келтириб чиқарувчи вирус ва бактерияларни парчалаб, экологик тоза муҳитни сақлаб туради.

Бироқ бу занжирнинг инсон саломатлиги билан боғлиқ энг муҳим жиҳати биз истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларида яққол намоён бўлади. Маълумки, инсоният ўз ҳаёти учун зарур бўлган озуқа ва қувватнинг 95 фоизини бевосита ёки билвосита тупроқдан олади. Ўсимликлар ўз танаси учун керакли бўлган калий, фосфор, темир, рух, селен каби ўнлаб микроэлементлар ва минералларни фақат бой ва соғлом тупроқдангина ўзлаштира олади. Агар ерда чиринди (гумус) миқдори камайса ва у кимёвий воситалар билан ҳаддан ташқари зўриқтирилса, тупроқнинг табиий тизими бузилади. Натижада, ташқи кўриниши чиройли ва йирик, аммо таркибида инсон организми учун ҳаётий зарур бўлган витамин ва минераллардан асар ҳам бўлмаган "бўш" маҳсулотлар етишади.

Бундан ташқари, соғлом тупроқ сув ва ҳавони тозаловчи табиатнинг энг кучли фильтридир. Ёмғир ва турли оқава сувлар тупроқ қатламларидан сизиб ўтаётганда заҳарли кимёвий моддалар, оғир металлар ва чиқиндилардан фильтрланади ҳамда ер ости сувларини ичимлик суви даражасигача тозалаб беради.

Хўш, бугун ушбу бебаҳо бойликни қандай асраб қолишимиз мумкин? Энг аввало, деҳқончиликда илмий асосланган ёндашувларни жорий этишимиз шарт. Кимёвий воситалар ўрнига маҳаллий органик ўғитлар ва тупроқни табиий азот билан бойитувчи дуккакли экинларни навбатлаб экиш (алмашлаб экиш) тизимини тиклаш лозим. Шунингдек, сув танқислиги ва ерларнинг шўрланишига қарши томчилатиб суғориш ҳамда тупроқни минимал қайта ишлаш каби ресурстежовчи замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш вақти келди.

Хулоса қилиб айтганда, тупроқ бу шунчаки моддий бойлик эмас, у тириклик ва саломатлик бешигидир. Биз ерни қанчалик соғлом ва унумдор сақласак, дастурхонимиз тўкин, танамиз соғлом ва келажагимиз барқарор бўлади. Ер юзига оқилона, илмий ва меҳр билан муносабатда бўлиш бугунги кунда нафақат соҳа мутахассисларининг, балки ердан ризқ ундираётган ва шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчига айланиши лозим.

**Дилафрўз МАҲКАМОВА,**
*ЎзМУ Биология ва экология факультети Тупроқшунослик кафедраси доценти, б.ф.д.*

# ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭКИНЛАРНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА

**(Боши 1-саҳифада)**

Таъкидлаш керакки, ҳозирги интенсив деҳқончилик шароитида асосий экинлар ҳисобланган ғўза ва бошоқли дон экинларининг бир марта алмашлаб экилишида ғўза ҳисобига 8-10 тонна, ғалла ҳисобига 11-12 тонна, бир мавсумнинг ўзида бир гектар майдондан 19-22 тоннагача органик моддалар чиқиб кетаётганлиги кузатилмоқда. Бу эса тупроқ унумдорлигининг йиллар давомида кескин пасайиб боришига сабаб бўлмоқда. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида юз йилдан буён ўтказиб келинаётган тажрибадан олинган маълумотларга кўра, ўғитлар қўлламасдан ғўза сурункали равишда бир далада парвариш қилинганда пахта ҳосили 9,8 ц/га., минерал ўғитларни N150 P100 K75 кг/га. меъёрда қўллаб, сурункали экилганда 32,8 ц/га., 30 т/га. гўнг+ $P_2O_5$ 25 кг/га. берилиб, сурункали экилганда 32,4 ц/га.ни ташкил этган. Энг юқори ҳосилдорлик (40,2 ц/га.) ўн далали беда: ғўза (3:7) алмашлаб экиш+-маъданли ўғитлар N150 P105 K75 кг/га. қўллаганда олинган. Ёки ғўзани сурункали экиб, фақат маъданли ўғитлар N250 P175 K125 кг/га. қўллаб, ғўза парвариш қилинганда ғўзанинг вилт билан энг юқори даражада (34,1 %) касалланиши кузатилган. Касалланиш даражаси ғўза сурункали экилиб, 30 т/га. гўнг берилганда 9,9 фоизни, ғўза беда билан алмашлаб экилиб, маъданли ўғитлар (N150 P105 K75 кг/га.) берилганда 13-15 фоизни ташкил этган. Демак, ушбу маълумотлар ҳозирги даврда республикамизнинг ғўза парвариш қилинаётган майдонларида вилт касаллигининг нима сабабдан авж олаётганлигига илмий жиҳатдан энг тўғри жавоб ҳисобланади.

Ҳозирда республикамизда жадал деҳқончилик асосан мелиоратив, экологик ҳолати ҳамда тупроқларининг унумдорлик даражаси бир-биридан кескин ажралиб турадиган 4278 минг гектар суғориладиган ерларда олиб борилмоқда. Ушбу майдонларнинг 47,9 фоизи турли даражада шўрланган, 1,9 млн. гектардан ошиқроғи дефляцияга, шу жумладан 0,7 млн. гектари кучли дефляцияга учраган, 660 минг гектар ерда ирригация эрозияси, 40 минг гектар майдонда жар эрозияси тарқалган бўлиб, суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонларда тупроқ унумдорлигининг муттасил пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Республикамиз тупроқларида 1980-2015 йилларда тупроқнинг 0-30 см. қатламида гумус миқдори 0,15 фоизга, яъни гектарига 5,61 тоннага камайган. Шунингдек, тупроқларнинг фосфор ва калий билан таъминланганлик даражаси ҳам тушиб кетган. Кейинги 35 йил давомида фосфор билан "жуда кам" таъминланган майдонлар 170,6 минг, "кам" таъминланган майдонлар 149,4 минг гектарга кўпайган бўлса, таъминланганлиги "юқори" даражадаги майдон 26 минг, "жуда юқори"га мансуб майдонлар 97 минг гектарга камайган. Тупроқлардаги калий миқдори бўйича таъминланганлик даражаси "жуда кам" бўлган майдонлар 140 минг гектарга, "кам" даражада таъминланган майдонлар 215 минг гектарга, "ўртача" таъминланган майдонлар 89 минг гектарга кўпайган бўлса, таъминланганлик даражаси "юқори" ва "жуда юқори" бўлган майдонлар тегишли равишда 63,3 минг гектарга камайган.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, тупроқ унумдорлигини оширувчи асосий омиллар, хусусан, алмашлаб экиш тизимларини амалиётга кенг, тўлиқ жорий этилмаётганлиги, дефляция ва эрозия жараёнларининг кучайиши, тупроққа асосий ишлов бериш тизимига тўлиқ амал қилмаслик, ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида тупроқ зичланишининг ортиши, ҳар хил кимёвий воситалар билан ифлосланиши, ўсимликларни озиқлантириш тартиблари ҳамда биомасса билан тупроқдан чиқиб кетаётган озиқаларнинг тупроққа қайтарилиши каби табиат қонунининг тўлиқ ишламаётганлиги кейинги йилларда тупроқ унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ундан олиб чиқиб кетилаётган озиқа моддалар ўрнини тўлдириш учун қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш тизимини кенг жорий этиш, тупроққа етарли миқдорда органик ўғитлар, гўнг, компост, саноат чиқиндилари, минерал хомашёлар асосида тайёрланадиган органоминерал ўғитлар қўллашни тақозо этмоқда. Шу боис, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, бегона ўтлар, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан мутассил мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган энг муҳим ташкилий-агротехникавий тадбирлардан бири – тупроқ балл бонитетига биноан қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган алмашлаб экиш тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тупроқ унумдорлиги паст, кучли шўрланган, тупроқ балл бонитети 21-40 баллни ташкил этувчи ҳудудлар учун алмашлаб экишнинг 9 далали, 1:2:3:1:1:1 тизимини қўллаш керак. Бунда 1 кузги буғдой: 2 беда: 3 ғўза: 1 кузги буғдой: 1 ғўза: 1 соя, экинлар салмоғи: ғўза-44,4 %, кузги буғдой-22,2 %, беда 22,2 %, соя-11,1 фоиз. Тупроқ унумдорлиги ўртача, кучсиз ва ўртача шўрланган, тупроқ балл бонитети 41-60 баллни ташкил этувчи ҳудудлар учун алмашлаб экишнинг 6 далали, 1:2:1:1:1 тизими, бунда 1 кузги буғдой: 2 ғўза: 1 кузги буғдой: 1 соя: 1 ғўза, экинлар салмоғи: ғўза-50,0%, кузги буғдой-33,3%, соя-16,6%; тупроқ унумдорлиги яхши, шўрланмаган, тупроқ балл бонитети 61-80 баллни ташкил этувчи ҳудудлар учун алмашлаб экишнинг 9 далали, 1:2:1:1:1:1:2 тизими, бунда 1 кузги буғдой: 2 ғўза: 1 соя: 1 кузги буғдой: 1 сабзавот: 1 кузги буғдой: 2 ғўза, экинлар салмоғи: ғўза-44,4 %, кузги буғдой-33,3 %, соя-11,1 %, сабзавот-11,1 % йўсинида амалга оширилади.

Суғориладиган тупроқларда чиринди миқдори камайишининг олдини олиш, унинг захираларини тўлдириш, ўсимликлар томонидан катта миқдорда биомасса таркибида олиб чиқиб кетилаётган озиқа моддаларининг ўрнини қоплаш, тупроқни органик моддалар билан бойитиш, ўсимликларни озиқлантиришни тўғри йўлга қўйиш мақсадида алмашлаб экишнинг ғалла-ғўза тизимида кузда, пахта ҳосили йиғиб-териб олинганидан сўнг ғўза қатор ораларига оралиқ экинлардан, жавдар, тритикале, рапс, перко, шабдор, берсим, эспарцет, клевер, вика, горчица каби экинларни тупроқ унумдорлиги паст ва ўртача, кучли ва ўртача шўрланган, тупроқ балл бонитети 21-40, 41-60 баллни ташкил этувчи ҳудудларда алмашлаб экишнинг 6 далали, 1:2:1:1:1, 1 кузги буғдой: 2 ғўза+оралиқ экинлар (жавдар, тритикале, рапс, перко, шабдор, берсим, эспарцет, клевер, вика, горчица): 1кузги буғдой: 1 соя: 1 ғўза+оралик экинлар (жавдар, тритикале, рапс, перко, шабдор, берсим, эспарцет, клевер, вика, горчица) тизимида оралиқ сидерат экинларни экиш тавсия этилади.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳудудлар шароитини ҳисобга олган ҳолда алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан кейин такрорий дуккакли дон (соя, мош, ловия, кўк нўхат) экинларини тупроқ унумдорлиги паст ва ўртача, кучли ва ўртача шўрланган, тупроқ балл бонитети 21-40, 41-60 баллни ташкил этувчи ҳудудларда алмашлаб экишнинг 6 далали, 1:2:1:1:1, 1 кузги буғдой+такрорий экинлар (соя, мош, ловия, кўк нўхат): 2ғўза: 1 кузги буғдой+такрорий экинлар (соя, мош, ловия, кўк нўхат): 1 соя: 1 ғўза тизимида оралиқ сидерат экинлари экилади.

Ўғитлар самарадорлигини ошириш учун маҳаллий ўғитларнинг ҳамма туридан фойдаланиш зарур. Шунингдек, табиий захиралардан, яъни, мавжуд бойитилган кўмир кукуни, фосфорит ва ноанъанавий агрорудалар (бентонит лойи, глауконит ва бошқалар)дан органоминерал компостлар тайёрлаш ва уларни алмашлаб экиш тизимларида ғўза ва кузги буғдой экинларини экишдан олдин ҳар 3-4 йилда гектарига 20-25 тонна миқдорида қўллаш тупроқдаги гумус миқдорини 3-4,5 тоннага оширади. Тупроқни органик бойитиш учун ҳар бир фермер хўжалиги даласида компост тайёрлайдиган хандақлар қилиш лозим. Компост миқдори фермер хўжалигидаги мавжуд ер майдони ҳамда эҳтиёжга боғлиқ ҳолда, турли ўлчамда бўлади. Агар фермер хўжалигида 30 гектар ер бўлиб, ҳар гектар майдонга 5 тоннадан компост киритиш керак бўлса, унда 150 тонна компост зарур бўлади. Ушбу миқдордаги компостни тайёрлаш учун эса 300 $м^3$ ўлчамдаги хандақ тайёрлаш керак. Бунда компост қилинадиган ўранинг чуқурлиги 1,5, эни 10, узунлиги 20, яъни 10 м х 20 м=200 $м^2$; 1,5 м х 200 $м^2$ =300 $м^3$ бўлади.

Ноанъанавий ўғитлардан тайёрланган компост таркибидаги фосфор элементи фаоллашиб, минерал ёки фосфогипс таркибидаги ўсимликлар қийин ўзлаштира оладиган шаклдан қарийб 50-60 фоизи ўсимликлар томонидан ўзлаштира оладиган ҳолатга ўтади ва юқори самара беради. Республикамизда фосфор билан "жуда кам" таъминланган майдонлар 170 минг гектар, "кам" таъминланган майдонлар 150 минг гектар эканлигини хисобга олиб, "жуда кам" таъминланган майдонларга кузги шудгор остига ва экишдан олдин гектарига 200 кг.дан, жами 34 минг тонна, "кам" таъминланган майдонлар учун гектарига 300 кг.дан, жами 45 минг тонна фосфорли ўғитлар, калий миқдори бўйича таъминланганлик даражаси "жуда кам" бўлган 140 минг гектар учун гектарига 100 кг.дан, жами 14 минг тонна, "кам" даражада таъминланган 215 минг гектар учун эса гектарига 150 кг.дан 32 минг 250 тонна калийли ўғитларни қўшимча равишда солиш лозим. Бунинг учун ўн йилга мўлжалланган режа асосида ҳар йили 10 фоиз майдонларга қўшимча фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилиб, уларнинг дефицитига барҳам берилади.

Юқоридагилардан келиб чиққани ҳолда, тупроқ ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишда уни органик моддага бойитишга йўналтирилган деҳқончилик тизими юритилиши учун ер тузишда ҳар қандай хўжаликда деҳқончилик билан чорвачилик тизимлари мутаносибликда, мақбул нисбатда бўлишини ҳисобга олиш керак. Унумдорлиги паст, деградацияга учраган тупроқлар унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишда "пахта-ғалла" асосий экинлари етиштириш борасида илмий асосланган ресурстежамкор технологияларни, органик, органоминерал ўғитлар, маҳаллий минерал хомашёлар (кимё саноати чиқиндилари, агрорудалар) қўллашни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, кузги буғдойдан кейин экилган эртаги такрорий экинлардан сўнг сидерат экинлар (сули, рапс, перко, берсим, шабдор, вика, клевер, эспарцет ва б.) ёки ем-хашак экинлари аралашмаси экилиши зарур. Тупроқ ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда ҳудуд шароитини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган замонавий инновацион агротехнологияларни қўллаш, қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Б. ХОЛИҚОВ,**
*қ.х.ф.д., профессор,*
**Ш. НУРМАТОВ,**
*қ.х.ф.д., профессор.*
*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехологиялари ИТИ.*

# Экспорт маҳсулотлари қатъий фитосанитар назоратидан ўтказилмоқда

**(Боши 1-саҳифада)**

Шу билан бирга, хорижий давлатлар билан савдо алоқалари кенгайтирилиб, янги экспорт йўналишлари ўзлаштирилмоқда. Халқаро савдо ярмаркаларида фаол иштирок этиш орқали вилоятимиз маҳсулотларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Экспортёрлар билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилиб, уларга маҳсулот тайёрлаш, сақлаш ва ташиш жараёнларида амалий кўмак берилмоқда. Албатта, бу йўналишда ҳали олдимизда муҳим вазифалар турибди. Жумладан, маҳсулот сифатини янада ошириш, замонавий логистика тизимини ривожлантириш ва халқаро стандартларни кенг жорий этиш зарур. Ишонч билан айтиш мумкинки, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида вилоятимизнинг экспорт салоҳияти янада ошиб, маҳаллий маҳсулотларимиз халқаро бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлайди.

Жорий йилда 26 миллион тонна мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт ҳажмини 4,5 миллиард долларга етказиш чораларини кўриш вазифаси юклатилган. Президентимизнинг ўтган йил 8 апрелдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида Карантин агентлиги марказий аппаратида ташкил этилган Марказий экспорт штаби фаолияти 2025-2026 йилларда давом эттирилиши белгиланган. Шу билан бирга ҳудудий бошқармаларда "Ҳудудий экспорт штаблари" фаолият юритиб келмоқда. Экспорт штабига бириктирилган ходимлар экспортга чиқувчи маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни, жумладан, маҳсулотлар тури, ҳажми ва сони бўйича кунлик маълумотларни йиғиш, экспорт қилувчи корхоналар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш, корхоналар фаолиятига доир мониторинг ишларини олиб бориш, фитосанитар назорати давлат инспекторлари томонидан тақдим этилган маълумотларни умумлаштириш, экспортчи корхоналарнинг экспорт қилиш жараёнларида дуч келётган муаммоли масалаларини ўрганиб, яқиндан ёрдам бериш, хорижий давлатлардан экспортчи корхоналарнинг маҳсулотига харидорлар топиш ишларида яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Шунингдек, улар хорижий давлатларда ташкил қилинаётган "Ўзбекистон маҳсулотлари" савдо ярмаркаларида экспортчи корхоналар иштирокини таъминлашга яқиндан ёрдам бермоқда. Хорижий ҳамкорлар билан шартнома тузиш жараёнларида таржимонлик қилиб, экспорт кўрсаткичларини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда жойлашган 4 та ўтказиш пункти ва 1 та ташқи иқтисодий фаолиятда бошқарманинг жами 39 та инспектори хизмат фаолиятини олиб бормоқда. Улар Республикамиз ҳудудидан экспорт йўналишида чиқиб кетаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва импорт йўналишида кириб келаётган карантин остидаги маҳсулотларни белгиланган тартибда карантин назоратидан ўтказиб, белгиланган тартибда фитосанитария сертификатлари ҳамда карантин кўрик далолатномаларини расмийлаштирмоқда.

Шу билан бир қаторда, фитосанитар давлат инспекторлари томонидан ўсимликларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш, зараркунанда ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда фитосанитар хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида дала назорати тадбирлари ҳам ўтказиб келинмоқда. Жорий йил ҳосили учун етиштирилган ғалла майдонларида мавсум давомида касалликларга қарши профлактика мақсадида бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши 46,4 минг гектар майдонга, кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши 8,3 минг гектар майдонга, бошоқли бегона ўтларга қарши 37,9 минг гектар майдонга, Занг ва бошқа касалликларга қарши 73,2 минг гектар ҳамда зарарли хасва, шира-трипс ва бошқа зараркунандаларга қарши 20,8 минг гектар майдонда кимёвий ишловлар ўтказилиб, жами 77,6 минг гектар майдонда баргидан озиқлантириш (суспензия) ишлари ташкил этилди.

**Ирисбой АБДУЛЛАЕВ,**
*Сирдарё вилояти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи.*

*Олам аҳли, билингизким,*
*иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,*
*эрур ёрлиғ иш.*



# РИЁСИЗ СЎЗЛАР




(Боши 1-саҳифада)

**2**

Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки "Яхши бўлди-е!" деб қувонади-ю, кейин худди ҳамиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверади. Назаримда, шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганяпти! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўникиб боряпмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ – ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат – ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспорти синчиклаб текширилар, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмасангиз, ўтиб кўринг-чи!

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар – постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига халал берадиган ортиқча машмаша эди. Паспортни унутган бўлсангиз, бу постлардан ўтишнинг ягона йўли – имконини топиб, "посбон"ларга пора бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган тузоқ эди...

Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мураккаб эди. Вилоятга киришда – Дарбанд постида худди хорижга кетаётганингиз каби бор-йўғингиз тинтилар, юкларингиз эса лентага солиниб, лазерли ускуналар ёрдамида кўздан кечириларди. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очдирилиб, текшириларди... Тинтув. Хуллас, пора бермасангиз, қутулиб бўпсиз. Термизга ва Сариосиёга кираверишда яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди.

Чангу ғуборга қоришган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади.

Ҳозир бу шаҳар кўчаларининг икки четида манзарали дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунича ям-яшил чимзор. Гуллар ажиб дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан машинада чиқиб, мана шундай гўзал – бир қарич ҳам узилмаган манзарани оралаб, аэропортгача бордим. Хорижий курорт шаҳарчаларни эслатади. Янги қурилган шинам, кўркам иморатлар ҳам ярашиқли. Менга ўқитувчилардан бири "Одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи тўлиқ таъминланган, бир хонадонда икки-уч оила тиқилиб яшашдан қутулган", деб қолди. Амалдор эмас, ўқитувчи айтди!

Термиз эса ўсяпти. Баланд-баланд бинолар қад кўтаряпти. Ҳатто шаҳар эркин нафас ростлаб, тиқилмай кенгайиши учун қўшимча ерлар кераклиги кўзга ташланиб қолди. Шавкат Миромонович бу масалани ҳам ҳал қилиб берди – шаҳарга қўшимча жойлар ажратилди.

Ўқувчида "Сурхондарёда фақат Термиз гуллаб-яшнаётган экан" деган таассурот қолмаслиги учун айтиб қўяй, вилоятлардаги барча туманлар ўзгача қиёфа касб этган. Чамаси, беш-олти йил аввал бир гуруҳ санъаткорлар билан Сурхоннинг шимолий ҳудудлари сари кетаётган эдик. Йўлда бир зум чалғибман. Ўзимга келиб қарасам, бир нотаниш шаҳарнинг ёнидан ўтяпмиз. Кўп қаватли уйлар, орасида ораста йўлаклар, дарахтлар, болалар ўйнайдиган майдончалар лип-лип ўтади. Қаерга келиб қолдик? Сурхондарёнинг ҳар бир қарич ерини биламан. Наҳотки, туш кўраётган бўлсам? Бир оз юргач, англадим: бу – Денов. Ҳа, ўзим бошдан-адоқ кезиб-билиб юрганим Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидаги шаҳар – мўъжиза қачон, қандай барпо бўлди? Шунча тезми? Англадим – бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати туфайли бунёд бўлган! Сўнг тасаввур қилдим: мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, борингки, маҳаллалар бор.... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

**3**

Мен мажлисларда кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман.

Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувончга тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, кўламли ва аниқ тайёргарлик кўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиғи тасдиқлайди ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис аҳли олдида ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиқлаб борилди. Юзлаб, минглаб...

Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартиб амалга оширилди. Бирор-бир ишни бажариш орзу сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас – Хитойдан тортиб, Жанубий Африка Республикасигача!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички – онгости туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишига, баъзан бадиҳаларига ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал бойсунлик – кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир полвон Муҳаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернат ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнгроғида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

– Сенинг интернатингнинг мактаби йўғ-а?

– Йўқ, – деди полвон.

– Болалар қаерга ўқишга боради?

– Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.

Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди:

– Пулинг бор-а?

– Ҳа, – деб ўрнидан қўзғалди "керакли одам".

– Шу полвоннинг интернатига мактаб қуриб бероласанми?

"Керакли одам" жон деб рози бўлди.

– Биринчи сентябргача тайёр бўлсин! – деди Президентимиз.

Завқланганимдан секингина бўлса-да "Воя", деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида қарийб ўттиз тўққиз миллион нуфусли халқнинг ташвиши турибди! Мамлакатда эҳ-ҳе қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тоштемир полвоннинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирса!..

Йиғинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган муҳташам иморат ривожи учун қўйилган ҳар бир ғишт – байрам. Бугун эса қанчадан қанча ғиштлар қўйилди!

Бу мажлисда айтилган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа юрт хазинаси қанчалар бойиши, одамлар хонадонига қанчалар файзу барака олиб кириши ҳақидаги рақамларни эслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёритилди.

Аммо бир қутлуғ хабарни айтмасам бўлмайди.

Йигирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилга олти-етти километр қолганда юқоридаги мажлисда тилга олинган – бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд – Денов трассасига қўшилади. Биз бўлажак трассага тушдик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Ғизиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда "Бир-икки ойда битиб қолар", деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин "Бойсун баҳори" фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўғри келди. Бу сафар машинамиз тайёр бўлган кўприклар устидан ғизиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб!.. Яна руҳимни қувонч сели босди! Қойил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар ўз муддатида бажарилишига ишончим комил бўлди.

Президентимиз йиғин сўнгида шу тахлит режалар билан барча вилоятга ва Қорақалпоғистонга борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келажагини барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар. Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун куйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фаришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очади!

Мен яқин келажакда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончимга қўшилмайдиганлар бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб, прогноз беряпти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кейин Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Кўз тегмасин!

Узр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўйяпмиз! Юқоридаги рақамларни ёзгандан кейин ҳозиргина ўқиб қолдим: ўсишимиз суръати уларнинг тахминидан жуда юқори – 8,7 фоиздан зиёд экан!

**4**

Дунёнинг улуғ донишмандлари инсониятни тутиб турган қадриятлар ҳақида охир-оқибат ягона хулосага келган. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не ғавғоларни бошдан ўтказган Алишер Навоий бир куни мана бундай сатрларни битган:

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,
эрур ёрлиғ иш.

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўяй: "Дунё одамлари, – деяпти шоир, – билиб қўйинг: душманлик яхши иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади".

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам "душманлиғ иш эмас" эканини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қондош-жондош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушликларни юраги ачишиб кузатган. У бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси хўжалик юритиш бўлгани учун қўшнилар билан муносабатимиз ёмонлиги туфайли ривожланиш имиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу ғалваларда одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис, Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиловини ўз қўлига олгач, бир зум тин олмай, аввало, қўшнилар билан қардошлик-қариндошлик ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қутлуғ – қўшни мамлакатларга йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида биз ҳам иззат-ҳурмат кўряпмиз.

> МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БУ ИТТИФОҚЧИЛИКНИНГ, БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ВА МЕҲРУ МУҲАББАТНИНГ БОШ МЕЪМОРИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ ЭКАНИНИ ҲОЗИР БАРЧА КЎРИБ ТУРИБДИ. ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ БУ МИНТАҚАНИ РИВОЖЛАНИШ САРИ БОШЛАБ БОРАДИГАН КУЧ СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАМОҚДА.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизга ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбега ҳам учиб бориб, Сурхонга ўтиб кетаверардик. Баъзилар каттароқ бозор-ўчарини Душанбега бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орзуга айланди!

Ҳозир тарихга айланган бошоғриқ бу кунлардан бир шингил воқеани куни кеча ҳикоя қилиб беришди. Сариосиёда яшайдиган бир кекса аёлнинг Регардаги синглиси вафот этганда жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уриниб, чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Сариосиёнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари ўрнатилгач, қариндошлар бу узоқ айрилиқдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбедан шувиллаб машиналар Сурхондарёга келадиган, уч-тўрт сариосиёлик дўстлар "Душанбени бир айланиб келайлик", деб йўлга чиқадиган бўлди. Бир қадам йўл! Эрталаб бориб, кечқурун қайтиб келасиз!

Тожикистонни бошқа ҳудудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониятларга эга тожик халқининг хуррамлиги нечоғлик бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшниларимиз юртига ташриф буюрганда, Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: "Булар, – деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи вакилларига ишора этиб, – сизни мендан ҳам ортиқ яхши кўради!". Мана ҳурмат! Мана қардошлик!

Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир муддат ўтгач, беш-олти ёзувчи жам бўлиб, Душанбега бордик. Мақсадимиз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдардлик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда ёзлик енгил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши – оппоқ кўйлак, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кутиб олди. Эртаси куни кутилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарзда мажлиснинг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларга иззат-икром!

Бизни Сурхондарёга олиб кетгани юртимиздан оғайнилар келди. Мен йўлда қандай кетсак бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъқул, милисалар тўхтатса, қандай муомала қилиш керак деб сўраб қолдим. Ҳар ҳолда машиналаримиз рақами Ўзбекистонники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

– Ҳар қандай тезликда ҳайдайверинглар! Милисалар тўхтатмайди! Президентимиз "Ўзбеклар менинг меҳмоним – уларга ҳеч ким тегинмасин", деб юқори минбарда айтган!

Қалай?

Бу гаплар ўзбек халқига ҳурматнинг энг чўққиси эди.

Икки халқ ўртасидаги бу иззат-ҳурматнинг қайтиши, янада юқори даражага кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонкуярлиги, самимий – дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳрига бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Ўш сафарида бўлганман. Чегара машмашаларини ўйлаб, кўнглим хижил бўлиб бораётгандим. Аммо безовталикка ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролигига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизга шундай кириб келяпти.

Бу бемалолликни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки қўшни халқ ўртасидан нималар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча ниҳоятда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон ҳукуматининг бош котиби, нуфузли ТУРКСОЙ ташкилоти раҳбари, Ўш шаҳри ҳокими қатнашди ва нутқ сўзлади. Шавкат Раҳмон ўқиган мактабга ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бирига шоир номи берилди.

Албатта, бу катта шоир шундай эҳтиромга арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо барибир бу самимий эҳтиромнинг сабабчиси Шавкат Миромонович эканини ҳам ҳар дақиқада ҳис қилиб турдик.

Камина Қозоғистон сафарида бўлганимда дўстларнинг худди шундай меҳрига дуч келдим. Бир эмас, бир неча мукофот билан тақдирландим. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий мукофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менга топширилди. Агар муносабатларимиз авваллагидай ғаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, бағрикенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош меъмори Шавкат Миромонович эканини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонга қарамоқда.

Мен, асосан, азалий яқин қўшниларимиз билан муносабатлар ҳақида ёздим. Ҳар куни ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам айтишга арзигулик эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Афғонистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганмиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларга чиқиш орзумиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприкдан ўтиб, ўзбек тупроғига қадам қўйилган жойда "Ўзбекистон – Афғонистон чегара олди савдо ҳудуди" бунёд этилган. Қатор-қатор дўконлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдо-сотиқ авжида. Ҳудуд тўлиб-тошиб кетяпти. Президентимиз бу ҳудудга яна қўшимча ер ажратиш ҳақида топшириқ берди.

Албатта, бу ён қўшниларимиз ҳам Ўзбекистон раҳбари шаънига илиқ сўзлар айтгани-айтган...

Дунёда ҳақиқий обрўга эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбага истеъдодли, ўзини аямай меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳурмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўга эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз – Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!

**5**

Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси "Мен – ўзбекман!" деганларни қувонтиради.

Масалан, кейинги ойлардагина рўй берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров "Барчамизнинг жонимизга теккан шу пахтадан саксон-тўқсон центнердан ҳосил олинади", деса, камина "Қўйсанг-чи", деб кулиши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарёда! Бу вилоятда талабалигимда пахта терганман. Ўртача йигирма центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонга отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзи ҳам чаноқлар бошдан-адоқ очилган пахтазорга қараб, ҳайрат билан гапирганига гувоҳ бўлганман. Хориждан уруғлик келтирилдими? Келтирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. "Порлоқ" навли ғўзамиз хорижий навлардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас!

Бир жумла билан билан айтилганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди!

Ҳайратланарли яна бир воқеа.

Олмалиқда 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишга туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилга чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалга оширилди. Бу муддатга ҳатто ўзимизнинг энг катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасини ўрганишга чақирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди ғурурланадиган мўъжиза – Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган кошона. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган – илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Қуръони, қадимий қўлёзмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович марказнинг қурилиши ҳақида қизиқ тушунтириш берди: "Бу марказнинг қурилишида шошмадик. Саккиз йилда охирига етказдик...".

Бу изоҳ менга жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, балки санъат асари қурилаётган эди! Санъат асари яратилишига худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозикликни англаган!

Хуллас, асрларга татигулик иншоот дунёга келган.

Мен интернетда бу мўъжизани томоша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.

– Сен, – деди уларнинг бири иморат бор бўйича кўрингач, – Тожмаҳални ҳам кўргансан. Қайси зўр?..

– Бу зўр-ов, – деди ҳамроҳи бинога назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қарорга келди. – Бу зўр!

Тамом, вассалом! Бу зўр!

Бундай бунёдкорликлар ҳақида ёзаверсам, адо бўлмайди шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилга олинган янгиликлар: Тошкентдан Хоразмга йўл олган "Жалолиддин Мангуберди" тезюрар поезди, Тошкент вилояти марказидан Бекободдан айлантирилиб, Янгиерга борадиган янги 111 километрли янги темир йўл қурилиши, Самарқандга борадиган янги тезкор йўл, Тошкентдаги янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши...

Назаримда, ҳайратларимнинг энди чеки бўлмайди.

## Сўнгсўз ўрнида

Спорт ишқибозиман. Ишқибозлигимни биладиган Хайрулла деган журналист укам – тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак, футбол газеталаридан бирига интервью олиб қолди.

– Мана, Япония футбол жамоаси жаҳон чемпионати финалига йўлланма олди, – деди у. – Биз қачон жаҳон чемпионатига чиқамиз?

– Энди, – дедим мен атрофимдаги воқеликларни бир зум кўз олдимга келтириб, – мамлакатимизнинг Японияга менгзаб ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орзумизга эришдик. Футболчиларимиз финал йўлланмасини қўлга киритди. Демак... Японияга менгзаб кетяпмизми? Шунга жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда ривожланишимиз суръати кунчиқар юртникидан анча баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади!

Чунки Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишга ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!

*"Янги Ўзбекистон" газетасининг 2026 йил 12 май 95 (1694)-сонидан олинди.*

*Устоз билан бир марта гаплашган одам бундай дилбар суҳбатни, суҳбатдошни яна қумсайди*



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Тўйхат ўрнида

*Наманган вилоятидан жуда кўп иқтисодчи олимлар етишиб чиққан. Улар орасида бутун вилоят, хусусан, Норин тумани аҳли беҳад фахр ва ғурур этадиган инсон борки, у Аҳмаджон Ҳакимовдир. Бугун машаққатли, ибратли, зиёга йўғрилган умрининг саксонинчи довонига етиб келган олимнинг юраги ҳамиша эл дарду ташвиши билан ёнди. Бугун ҳам бу олов заррача сўнгани йўқ. Аксинча, билимлар бой ҳаётий тажриба билан уйғунлашиб, ёшлар учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтамоқда.*

# ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ ИҚТИСОДЧИ ОЛИМ

Аҳмаджон Ҳакимов 1946 йилнинг 20 майида Норин туманида туғилган. 1971 йилда Қарши давлат педагогика институтини тамомлаган. Институт таҳсилига қадар ҳисобчи сифатида ишлаган қаҳрамонимиз мутахассислик дипломига эга бўлгач, бутун куч-шижоатини таълим соҳаси ривожига бағишлади. Табиийки, илм олишда бир лаҳза бўлсин танаффус қилмади. Унинг меҳнат дафтарчасида “Асака тумани 36-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон пахтачилик институти сиёсий иқтисод кафедраси ассистенти, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Иқтисод институти аспиранти, Андижон қишлоқ хўжалик институти катта ўқитувчиси, доценти, кафедра мудири, Норин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси” каби қайдлар мавжуд. Булар шунчаки фаолият кўзгуси эмас, балки бир олимнинг ҳалоллик ва меҳнатга тўла ҳаёт варақларидир...

Мен яхши хотирлайман (Р. Мирзаолимов). Аҳмаджон ака 1999 йилдан то 2011 йилга қадар собиқ Норин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига директорлик қилган кезларда мен туман газетаси муҳаррири сифатида унинг ноёб бошқарувчилик салоҳиятига гувоҳ бўлганман. Ташаббускорлиги, уйғоқ фикрлилиги эса ҳаммада ҳам учрамайдиган яна бир фазилат эди. Аҳмаджон аканинг таълим, ёшлар ҳаётига доир ҳамда иқтисодий-ижтимоий йўналишдаги муаммоларга энг тўғри ечимни таклиф қилгани ва кўп хайрли ишлар бошида тургани туман раҳбарларини, ёши улуғларни, таълим соҳаси вакилларини жуда хурсанд қиларди.

Устоз таълим муассасасига раҳбарлик қилган йиллари бу даргоҳда катта ўзгаришлар юз берди. Замонавий лабораториялар ва устахоналар ташкил этилди. Хорижий ҳамкорлик асосида янги ўқув жиҳозлари олиб келинди. Таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилди. Ўқувчиларнинг билим олиши, касбга бўлган қизиқиши, амалий кўникмаларини ошириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилди. Натижада коллеж талабалари фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва турли танловларда юқори натижаларга эришдилар. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга эътибор ҳам кучайтирилди, иқтидорли ўқувчилар рағбатлантириб борилди. Бугун ўша йилларда мазкур даргоҳда таҳсил олган ёшларнинг аксарияти жамиятнинг фаол аъзоси, ораларида нуфузли ташкилотлар раҳбарлари ҳам бор.

Бу фидокорликлар эътибордан четда қолмади. Аҳмаджон ака 2001 йилда “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бир жамоага бош бўлиш баробарида иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига, доцент илмий унвонига сазовор бўлган Аҳмаджон Ҳадиевич аграр иқтисодиёт, бозор муносабатлари, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлиги масалаларида илмий изланишлар олиб борди. Олим томонидан шу кунгача саксонга яқин илмий мақола, ўқув-услубий қўлланма ва маъруза тўпламлари нашр этилди. Айтганча, аввалроқ “Наманганлик иқтисодчи олимлар” китоби чоп этилди. Ундан олим Аҳмаджон Ҳакимов илмий фаолияти ҳам кенг ўрин олган. Бу китоб хусусида Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири Конгратбай Шарипов шундай фикр билдирган эди: “Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ректорлик вақтимда кўп иқтисодчи олимлар билан, жумладан, наманганлик иқтисодчи-олимлар билан суҳбатлашганман. Улар орасида дунё олимлари рейтингидан муносиб ўрин эгаллаган устозларни, дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўз тажрибаларини орттирган, стажировка ва малака ошириш курсларида ўз малакаларини ривожлантирган ёшларни кўриб, инсоннинг кўзи қувонади. Ўзбекистон иқтисодиётига ўзи ҳамда шогирдлари орқали муносиб ҳисса қўшаётган иқтисодчи-олимларнинг илмий изланишлари, янгиликлари ҳамда эришган натижалари эътироф этилган “Наманганлик иқтисодчи олимлар” китоби эса бутун республикамиз иқтисодчилари учун ўрнак бўлса арзийдиган тўплам бўлган”.

Аҳмаджон ака – фидойи инсон. У ўз манфаатларидан халқникини устун қўйгани учун ҳам халқнинг чин меҳри ва ҳурматини қозонди. Юрагидаги тоза хислатлари очиқ ва тўғри фаолиятида яққол акс этди доим. Дастлаб туман ва вилоят Кенгашларига депутат этиб сайланган олим 2005-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида ҳам фаолият юритди. У сенатор сифатида таълим, ёшлар тарбияси, қишлоқ хўжалиги ва ҳудудий ривожланиш масалаларида ўзининг ўринли фикр ва таклифларини ўртага ташлади. Нафақат ўзи сайланган округ манфаатларини, балки мамлакат тараққиёти учун муҳим бўлган экологик ва аграр соҳалардаги қонунчилик ташаббуслари, амалий таклифлар, ижтимоий аҳамиятга эга масалалар муҳокамасида фаол қатнашди. Ўша йилларда долзарб аҳамият касб этган масалалар – қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аграр тармоқда иқтисодий самарадорликни ошириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув таъминотини яхшилаш, суғориладиган майдонларни сақлаб қолиш ва унумдорлигини ошириш бўйича бир қатор масалаларни муҳокамага кўтариб чиқди. Экология соҳасидаги фаолияти айниқса, жуда самарали кечди. У атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурсларни асраш, сув ва ернинг ифлосланишини камайтириш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш каби долзарб масалалар ечимида бош бўлди. Айнан Норин туманидаги таълим, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, сув таъминоти ва экологик барқарорлик билан боғлиқ муаммоларнинг ижобий ечим топишида ташаббускор бўлганини туман аҳли ҳамон мамнуният билан эътироф этади.

Аҳмаджон ака доим халқ орасида. Бу унинг одати. Ҳеч кимнинг фикрига эътиборсиз бўлмайди, бўлолмайди. Чунки у кичикфеъл инсон. Устоз билан бир марта гаплашган одам бундай дилбар суҳбатни, суҳбатдошни яна қумсайди. Кичик бир муаммо масаласида ундан ёрдам сўралдими, ҳал бўлмагунича тиним ва тинчлик билмайди. У халқ дардида еладн-югуради, аммо шаън, шуҳрат илинжида эмас. Шу ҳақда ўйлаганки кишининг ёдига машҳур таронадаги “Менинг кимлигимни эл билса бўлди...”, деган жумлалар тушиши, шубҳасиз...

– Мен доим “дада” деганимда, кўксимда ўзгача ғурур ва фахр ҳиссини туяман, – дейди устознинг фарзанди, “ALFRAGANUS UNIVERSITY” нодавлат олий таълим ташкилотининг “Менежмент ва маркетинг” кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Зиёдулла Ҳакимов. – Тўғри, бу китобий сўзлар бўлиши мумкин, бироқ бу туйғуни юракдан ўтказганлар билишади – бу жуда катта бахт. Дадамиз бизни жуда ёшликдан илмга муҳаббатли қилиб тарбияладилар. Билимгина инсондан тортиб олиб бўлмас бойлик, ризқ, имконият эканини англатдилар. Дадамлар илм-фан ҳамда давлат ишига қанчалар масъулият билан ёндашсалар, оиладаги вазифаларига, биз беш фарзанднинг тарбиясига ҳам шунчалар кучли эътибор қаратадилар. Биз улардан меҳрли ота қандай бўлишини, аҳил оилани қандай барпо этишни, ота ҳамиша фарзандларга ибрат бўлиши кераклигини ўргандик.

Ҳа, инсон бу ҳаётга келдими, ўзидан яхши ном, ёруғ из қолдириши керак. Ота бўлдими, ўғил-қизларига гўзал тарбия бермоғи лозим. Иқтисодчи, педагог-олим Аҳмаджон Ҳакимовга бу борада ҳар қанча ҳавас қилсак ярашади. Бугун Норин тумани Ҳаққулобод шаҳридаги Бўз Ўлмас маҳалла фуқаролар йиғинида фаол нуроний сифатида ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий муҳитни соғломлаштириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Нафақат маҳалла, балки туман миқёсидаги масалалар муҳокамасида кўпни кўрган, ҳаёт синовларидан ўтган устознинг маслаҳатига таянилади.

Хулоса сифатида айтмоқчимизки, олимлик, муаллимлик ва шифокорлик инсонга Яратган томонидан тақдир қилинар экан. Яъниким, айнан шу касблар учун инсонлар танлаб олинаркан. Педагог-олим Аҳмаджон Ҳакимовга ҳам ана шундай юксак шараф, бугун эса меҳнатлар роҳатини кўрмоқлик, эъзозда бўлмоқлик насиб этди.

Умрингиз узоқ бўлсин, устоз. Қутлуғ саксон ёш муборак бўлсин!

**Раҳмонжон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ.**

# НАВОИЙДА МЕДИА СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ИЛҲОМ, ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ МАЙДОНИ ЯРАТИЛДИ

*Навоий шаҳридаги Ёшлар маркази бу сафар журналистика, ахборот ва замонавий коммуникациялар соҳаси вакилларини бирлаштирган муҳим ижодий майдонга айланди.*




Президент Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Журналистлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган медиа-ҳафталик соҳа вакиллари учун билим, тажриба ва профессионал ривожланиш мактаби бўлди.

Мазкур тадбирда вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари, матбуот ва ахборот хизматлари ходимлари, блогерлар, СММ мутахассислари, шунингдек, медиа соҳасига қизиқиш билдираётган ижодкор ёшлар фаол иштирок этди. Бир майдонда жам бўлган турли йўналиш вакиллари ўзаро фикр алмашиб, замонавий медиа маконида муваффақият қозонишнинг муҳим жиҳатлари ҳақида қимматли билимларга эга бўлишди.

Медиа-ҳафталик доирасида мамлакатимизнинг етакчи медиа экспертлари, тажрибали муҳаррирлар, продюсерлар ва коммуникация мутахассислари иштирокида қатор семинар-тренинглар, очиқ мулоқотлар ва амалий машғулотлар ташкил этилди. Контент яратиш маданияти, фактчекинг, рақамли гигиена, ижтимоий тармоқларда самарали ишлаш, СММ стратегиялари ҳамда стратегик коммуникациялар каби бугунги медиа маконининг энг долзарб мавзулари кенг муҳокама қилинди.

Машғулотлар давомида иштирокчиларга замонавий журналистиканинг янги усуллари, таҳлилий материаллар тайёрлаш тамойиллари, ахборотни тезкор ва холис етказиш, аудитория билан самарали мулоқот ўрнатиш ҳамда рақамли платформалар учун сифатли контент яратиш бўйича муҳим тавсиялар берилди. Ҳар бир сессия нафақат назарий билим, балки амалий тажриба билан бойитилгани тадбирнинг аҳамиятини янада оширди.

Беш кун давом этган медиа-ҳафталик айниқса сунъий интеллектдан медиа соҳасида оқилона ва самарали фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, рақамли таҳдидлардан ҳимояланиш каби бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланган муҳокамалари билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Соҳадаги янги ёндашувлар, халқаро тажрибалар ва инновацион ечимлар юзасидан бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар барча қатнашчилар учун ўзига хос тажриба мактабига айланди.

Энг муҳими, ушбу медиа-ҳафталик давомида иштирокчилар нафақат мутахассислар тавсияларидан баҳраманд бўлишди, балки ўзаро тажриба алмашиб, касбий маҳоратини янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлишди.

Форум якунида барча иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан махсус сертификатлар топширилди. Бу эса медиа соҳасида ўз устида ишлаш, замон билан ҳамнафас бўлиш ва профессионал ривожланишга интилиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

**Маърифат ШАРИПОВА**

## ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВГА ЭГА

# ЯНГИ АВЛОД МУТАХАССИСЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

*Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги таълими тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни юзага келтирди. Айниқса, Тошкент давлат аграр университети бу жараёнларнинг марказида туриб, замонавий билим, инновацион ёндашув ва амалий кўникмаларга эга бўлган янги авлод мутахассисларини тайёрлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Бугунги кунда университет нафақат таълим маскани, балки илмий тадқиқотлар, инновациялар ва халқаро ҳамкорлик марказига айланиб бормоқда.*



Аввало, таълим мазмуни ва шакли тубдан янгиланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Илгари анъанавий усулларга асосланган дарслар ўрнини бугун интерактив, талабани фикрлашга ундайдиган, муаммоли вазиятларни ҳал қилишга қаратилган усуллар эгалламоқда. Дарс жараёнларида рақамли технологиялар, мультимедиа воситалари, онлайн платформалардан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантириш билан бирга, уларни глобал ахборот муҳитига мослаштирмоқда.

Университет инфратузилмаси ҳам сезиларли даражада модернизация қилинди. Замонавий лабораториялар, илмий марказлар, тажриба майдонлари, агротехнологик полигонлар ташкил этилди. Айниқса, университет ҳудудида ташкил этилган “Ренессанс лекция зали” алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу замонавий маъруза макони фақатгина дарс ўтиш жойи эмас, балки илмий фикрлар тўқнашадиган, янги ғоялар туғиладиган, ёшлар илҳом оладиган муҳит сифатида хизмат қилмоқда. Бу ерда нуфузли олимлар, мутахассислар, амалиётчилар иштирокида очиқ мулоқотлар, семинарлар ва маҳорат дарслари ўтказилиб, талабаларнинг дунёқараши янада кенгаймоқда.

Бугунги кунда аграр таълимни фақат техник билимлар билан чеклаш мумкин эмас. Шу боис университетда санъат ва ижодкорликка ҳам катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Хусусан, рассомчилик ва тасвирий санъат элементлари таълим жараёнига интеграция қилинмоқда. Ландшафт дизайни, агроэкотуризм, шаҳар ва қишлоқ муҳитини эстетик жиҳатдан ободонлаштириш каби йўналишларда талабаларнинг ижодий фикрлаши ривожлантирилмоқда. Табиатни ҳис қилиш, унинг гўзаллигини англаш ва сақлаш маданияти шакллантирилмоқда. Бу эса келажак мутахассисларининг нафақат билимли, балки юксак эстетик дидга эга бўлишини таъминлайди.

Шу билан бирга, университетда таълим йўналишлари ҳам замон талабларига мос равишда кенгайтирилмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб фармацевтика йўналишининг очилиши режалаштирилгани бу борадаги муҳим қадамлардан биридир. Бу йўналиш орқали доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаш, табиий хомашё асосида дори воситалари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, биотехнология, генетика, рақамли қишлоқ хўжалиги, агрологистика каби илғор йўналишлар ҳам таълим тизимига кириб келмоқда. Бу эса талабаларга замонавий бозор талабларига жавоб берадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш имконини яратади.

Ёшлар учун яратилган имкониятлар ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Бугун университет талабалари учун грантлар, стипендиялар, халқаро алмашинув дастурлари, стажировкалар кенг йўлга қўйилган. Талабалар хорижий университетларда таълим олиш, илмий тадқиқотларда иштирок этиш, ўз лойиҳаларини амалга ошириш имконига эга. Стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизими эса ёшларнинг инновацион ғояларини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Бу каби имкониятлар ёшларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва масъулиятини оширмоқда.

Халқаро ҳамкорлик ҳам университет фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, қўшма таълим дастурлари, икки дипломли таълим тизими, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилган. Бу эса таълим сифатини халқаро стандартларга мослаштиришга хизмат қилмоқда.

Айниқса, университетда экологик маданиятни шакллантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳам устувор аҳамият касб этмоқда. Бу борада фаолият юритаётган ЭКО клуб талабаларни табиатга онгли муносабатда бўлишга чорлаб, амалий ташаббуслар марказига айланган. Клуб доирасида дарахт экиш акциялари, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, чиқиндиларни саралаш, экологик тарғибот тадбирлари мунтазам ташкил этилмоқда. Талабаларнинг фаол иштироки билан университет ҳудуди йилдан-йилга янада обод, яшил ва экологик жиҳатдан соғлом муҳитга айланмоқда. Шу маънода, университетни “Яшил макон” ғояси амалда қарор топаётган маскан сифатида баҳолаш мумкин.

Умуман олганда, Тошкент давлат аграр университетида амалга оширилаётган ислоҳотлар Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу ислоҳотлар орқали замонавий фикрлайдиган, инновацион ёндашувга эга, табиатга эҳтиёткор муносабатда бўладиган, рақобатбардош янги авлод қишлоқ хўжалиги мутахассислари етишиб чиқмоқда. Ана шундай ёшлар эса мамлакатнинг келажак тараққиёти ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи куч бўлиб хизмат қилади.

**Муҳаббатхон ҚОСИМОВА,**
*Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси.*

# СУВ ОСТИДАГИ САНЪАТ МЎЪЖИЗАСИ

*Ўлкашунослик музейларига боргансиз. Ҳудудингиз кечмиши билан ҳисоблашгансиз. Одатда, музей деганда кўплар қадимий ёдгорликлар сақланадиган, машҳур рассомлар асарлари намойиш этиладиган иморатларни тушунишаади. Аммо океан тубида жойлашган Санъат музейи ҳақида эшитганмисиз?*



Флорида қирғоқлари яқинидаги Мексика қўлтиғида Сувости Санъат музейи жойлашган. Ундан турли шакл-шамойилдаги бетон ва металл ҳайкаллар ўрин олган. Улар океан экологияси билан уйғунлик ҳосил қилган. Ҳайратланарлиси, экспонатлар статик характерга эга эмас. Тарихий ашё ўлароқ витриналар ичида қолиб кетмайди. Аксинча, ҳайкаллар устида маржонлар ва сув ўтлари ўсади. Чор-атрофида балиқлар ва денгиз жонзотлари яшайди. Шундай қилиб, санъат асарлари эврилишни бошдан кечиради. Алалоқибат, сунъий объектлар табиий риф (маржон қоялар)га айланади.

Музейга қандай қилиб ташриф буюриш мумкин, деган савол туғилиши табиий. Сайёҳлар шўнғиш ёки снокелинг орқали тирик экотизимнинг бир бўлаги бўлган санъат асарлари билан танишишлари мумкин. Маълумот учун, “снокелинг” тушунчаси сув юзасида ниқоб ва нафас трубкасидан фойдаланган ҳолда сузишини англатади. Шундай қилиб, Санъат музейига уюштирилажак ташриф, том маънода, ҳақиқий саргузаштга айланади. Хўш, нега бундай ғайриоддий, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган экспозиция океан тубида барпо этилган? Муддао нима? Боиси, музей санъат асарларини оммалаштириш билан бир қаторда, экологик барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Фауна учун сунъий бошпана вазифасини ўтайди. Табиий экотизимни тиклашга ёрдам беради.

Табиат ва санъат комбинациясига гувоҳ бўлишни истасангиз, албатта, Мексика қўлтиғида жойлашган Сувости Санъат музейи томон йўл олинг!

**Улуғбек ШАРОБИДДИНОВ,**
**ЎзЖОКУ талабаси,**

**Qishloq hayoti**

**MUASSISLAR:**
O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleksi tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
**Chori LATIPOV**

**Tahrir hay’ati:**
Ibrohim ABDURAHMONOV, Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV, Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV, Raimqul SUYAROV *(bosh muharrir o‘rinbosari).*

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog‘oz bichimi A-2. **Nashr indeksi – 144.**

Buyurtma G-517. 1520 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Sahifalovchi-dizayner:** Маркс YUSUPOV.

**Tahririyat manzili:**
Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy.
**Telefonlar:** +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
**Reklama va e’lonlar** – (998 90) 317-19-16.
**E-mail:** infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
**Bosmaxona manzili:** “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 20.10